2010 ЙИЛ 26 МАРТ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 58 (11.619) Баҳоси эркин нархда

**Бирлашган Араб амирликлари пойтахти Абу Даби шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асари араб тилидаги нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

## АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тақдимот дунёнинг 60 дан зиёд давлатидан 800 га яқинноширлар иштирок этган XX Абу Даби китоб ярмаркаси доирасида ўтказилди. Қатнашчилар сони ва даражасига кўра ярмарка энг нуфузли ва ихтисослаштирилган халқаро форумлардан бирига айланди.

Маҳаллий ва хорижий китобхонларнинг мамлакатимизноширлик фаолияти билан бевосита танишишлари учун қулай имконият яратилган китоб ярмаркасида биринчи марта юртимизнинг “Ўзбекистон”, “Шарқ”, “Маънавият” каби нашриётлари ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашишди.

Тадбир чоғида Абу Даби китоб ярмаркаси ташкилий қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қувайтдаги «Мусаид Бадр аль-Сайир» номли нашриётда араб тилида чоп этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли китобининг тақдимоти ўтказилди.

Тақдимот маросимида ярмаркада ҳозир бўлган араб мамлакатларининг адабиёт, ноширлик ва маънавият соҳалари вакиллари ҳамда Бирлашган Араб амирликларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

**Китоб ярмаркаси ташкилий қўмитаси аъзоси Абдураззоқ ал Ҳумайрий** Ўзбекистонга бир неча марта боргани ва мамлакатнинг турли соҳаларда эришган муваффақиятлари, шу билан бирга, ўзбек халқининг маънавий меросни авайлаб-асрашга бўлган хайрихоҳлик муносабати билан бевосита танишишга муяссар бўлганини қайд этди. Унинг таъкидлашига кўра, икки мамлакат халқларининг тарихий ва диний жиҳатдан яқинлиги, маънавият борасидаги қарашларининг бири-бирига мослиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асари араб дунёсида жуда катта қизиқиш билан қарши олинди.

**Абу Даби амирлигидаги нашр маҳсулотларини тарқатиш муассасаси раҳбари Муҳаммад Амин** жумладан қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида ҳамма даврларда инсониятнинг улкан бойлиги саналиб келган маънавиятнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳар томонлама — ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан очиб берилган.

Ушбу асарда бугунги даврнинг маънавият соҳасида юзага келган глобаллашув, халқнинг маънавиятини асраш ва кўтариш, айниқса ёш авлоднинг онгини турли салбий ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш каби энг долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Суданлик ношир Сайд Салимнинг** қайд этишича, «биринчи галда китобнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" дея номланиши эътиборни жалб этади. Ушбу мазмунга бой бўлган ифоданинг моҳияти асарда теран таҳлил асосида ўз аксини топган. Китобда баён этилган умуминсоний маънавий қадриятларнинг, илм-фан ва Ватанга муҳаббат туйғусининг мамлакат ривожида тутган ўрни ҳақидаги мулоҳазалар диққатга сазовордир. Мазкур асар, шубҳасиз, инсониятнинг маънавий тараққиётига, миллий ўзликни англаш ва қадриятларни ҳис этишига улкан ҳисса қўшади».

**Ал Хоразмий номидаги халқаро коллеж (БАА) декани Сами Ал Кусайюжи:**

— Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари ва ахборот технологияларининг ривожланиши билан бир қаторда, бугунги кунда ёш авлод тарбиясига салбий таъсир этадиган кўплаб омиллар кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” номли асарининг араб тилида нашр этилиши биз ва фарзандларимиз учун айнан шу даврда долзарб аҳамиятга эгадир. Агар Ўзбекистоннинг кўплаб олимлари тарихий даврларда бизнинг фанимиз, динимиз ва мафкурамиз ривожига улкан ҳисса қўшишган бўлса, ушбу асар фарзандларимизни тарбиялаш ва бугунги кун хавф-хатарларини бартараф этишда муҳим ўрин тутади.

Тақдимот маросими БАА оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Жумладан, **«Ал Иттиҳод»** газетасида “Ўзбекистон Президенти асарининг тақдимоти” сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда мазкур китобда ёш авлодга таълим-тарбия беришда юксак маънавиятнинг ўрни илмий ва назарий жиҳатдан теран таҳлил этилгани таъкидланади.

**«Ал Халиж»** газетасида эълон қилинган мақолада эса, “асар муаллифи сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий омиллар билан бирга, жамиятнинг тараққий этишида юксак маънавият биринчи даражали аҳамият касб этишини илмий ва назарий нуқтаи назардан очиб беради”, дейилади. Шу билан бирга унда қайд этиладики, бугунги кун олдида турган турли хавф-хатарларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Президенти миллий қадриятларни, анъана ва урф одатларни сақлаш, маънавий покланиш, эзгулик сари интилиш зарурлиги ҳақидаги мулоҳазани илгари суради. У шунингдек, муқаддас ислом динимизнинг софлигини асраш, уни турли ғаразли хуружлар ва бўҳтонлардан ҳимоялашга, исломнинг ҳақиқий моҳиятини ёшларга етказиб бериш ва ислом тамаддунини янада кенгроқ ёритишга даъват этади.

**«Жаҳон» АА, Абу Даби**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ РИВОЖЛАНАДИ

**«Ўзэкспомарказ» мажмуида ўнинчи «Озиқ-овқат саноати — 2010» ва бешинчи «Қишлоқ хўжалиги» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.**

Мазкур тадбирни ITE Ўзбекистон халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг ҳамкори I.T.E Exhibitions & Conferences Ltd компанияси (Буюк Британия) ташкил этди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзузумсаноатхолдинг» компанияси, «Ўзулгуржисавдоинвест» савдо корхоналари уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати ҳамда «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари,шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси кўргазмаларнинг расмий қўллаб-қувватловчиларидир.

Ушбу агросаноат ва озиқ-овқат кўргазмалари махсус лойиҳа асосида ўтказиладиган анъанавий тадбир ҳисобланиб, юртимизда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати равнақига қаратилган эътибордан далолатдир. Жорий йилдаги кўргазмалар ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Бу сафар ташкилотчилар экспозиция майдонига алоҳида эътибор қаратди. Кўргазмалар меҳмонлари учун имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида экспозициялар иккита мавзувий павильонга ажратилди. Анъанага кўра, озиқ-овқат кўргазмаси экспозицияси кенг доирадаги маҳсулотлар, озиқ-овқат ва уни қайта ишлаш саноати учун технологиялар, ускуналар ва хом ашё ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошқариш тизимлари, қадоқлаш материаллари, махсус керакли ингридиентлардан ташкил топган.

Ўтган йиллар тажрибасига асосланиб, кўргазмалар доирасида фермерлар куни, тақдимот маросимлари, семинар-йиғилишлар ўтказилиши яхши анъанага айланган. Ушбу кўргазмалар доирасида ҳам озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалигига бағишланган амалий дастур ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳар иккала кўргазма юртимиз тадбиркорлари ҳамда хорижий шериклар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**Пойтахтимизда Миср маданияти кунлари бошланди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Миср Араб Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Миср маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Миллий санъат марказида бўлиб ўтган тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, мисрлик санъат намояндалари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Б.Аҳмедов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари маданият жабҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йилнинг апрель ойида Мисрга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Миср ўртасида маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Маданият ва санъат жамоаларининг ўзаро гастроллари ташкил қилинмоқда, мисрлик санъаткорлар “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Солиқ билимлари — болаларга» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзуидаги энг яхши иншо ҳамда «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзуидаги компьютер синови орқали аниқланди.**
- **Андижон вилояти Пойтуғ шаҳридаги Тўхтабоев номли маҳаллада янги гузар қад ростлади. Маҳаллий тадбиркор Дилшодбек Акбаровнинг агробанкнинг маҳаллий бўлимидан олган кредити ва шахсий жамғармалари ҳисобига қурилган маҳалла марказидан озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари, чойхона, сартарошхона, гўшт растаси ҳамда бошқа маиший хизмат ва умумий овқатланиш иншоотлари ўрин олган.**
- **Муборак туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётганлар ўртасида «Энг оқила, латофатли аёл» танлови уюштирилди.**
- **Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда 68 та корхона ва ташкилот бўш иш ўринларини таклиф этди. Тадбир давомида 70 киши доимий иш ўрнига эга бўлди, 120 нафар одам эса пул тўланадиган ижтимоий ишларга йўлланма олди.**
- **Наврўз байрами шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 февралдаги Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги Қарори ижроси йўлида яна бир хайрли иш амалга оширилди. Бухорода ҳудудий қон маркази иш бошлади. Эндиликда ҳududдаги даволаш-профилактика муассасаларининг сифатли ва хавфсиз донор қон маҳсулотларига талаби қондирилади.**
- **Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 10-Болалар мусиқа ва санъат мактаби тўла таъмирдан чиқарилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан 468 миллион сўмлик маблағ ажратилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Президент томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш тўғрисидаги қонунга имзо чекилганидан сўнг АҚШнинг 13 та штати бош прокурорлари федерал ҳукуматга даъво аризалари бердилар. Ушбу штатлар раҳбарияти соғлиқни сақлаш тизимига киритилган ўзгаришларнинг Конституцияга тўғри келмаслигини таъкидламоқдалар.**
- **Афғонистонда ерга қўниш чоғида НАТОга тегишли вертолёт ҳалокатга учради. Ушбу нохуш воқеа мамлакат пойтахти Кобул шаҳри яқинида жойлашган Вардак музофотида рўй берди. Дастлабки маълумотларга кўра жанговар вертолётнинг ерга қулаб тушиши натижасида битта турк ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган, яна уч нафар ҳарбий оғир жароҳатлар олган.**
- **Тува республикасининг Мўғулистон билан чегараси атрофида жойлашган тўртта қишлоғи шиддатли қор кўчкисидан азият чекмоқда. Ҳукумат матбуот хизматининг маълумотига кўра, республикага тоғдан 14 минг куб метр қор кўчиб тушган ва унинг қалинлиги 5-8 метрни ташкил этади. Қалин қор кўчкиси натижасида республикада фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**
- **Флорида штатида юзага келган совуқ об-ҳаво туфайли Халқаро космик станцияга туташиш мақсадида коинотга учиши керак бўлган Discovery шаттлининг парвози 5 апрелга қолдирилди.**
- **Австралиянинг Перт шаҳридаги ўн минглаб уйлар кучли бўрон туфайли электр қувватидан узилиб қолди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра ушбу бўрон натижасида мамлакат 100 миллион доллар атрофида зарар кўрган.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманида туман бандликка кўмаклашувчи маркази, Республика Қизил Ярим Ой жамиятининг туман Кенгаши ҳамкорликларида Наврўзи оламга бағишлаб уюштирилган хайрия тадбирида нуроний отахонлар, онахонлар иштирок этишди.

✓ **ЎТГАН** куни 21-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **«АДОЛАТ»** социал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг III пленумида шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

✓ **СОБИР** Раҳимов туманида ёшлар ўртасида ташкил этилган «Камалак-2010» ижодий ишлар кўрик-танлови Баркамол авлод йилига бағишланди.

